

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИНИ ТАРБИЯВИЙ-ПСИХОЛОГИК
ТАЪМИНЛАШ КАФЕДРАСИ**

**МАВЗУ: ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
КУРСАНТЛАРИНИ ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ**

**Илмий раҳбар: майор Ғ.З.Икматуллаев
Бажарувчи: Н.Р.Раҳмонов**



“АРМИЯ САФЛАРИДА
МАРДЛИК ВА МАТОНАТ,
ВАТАНГА САДОҚАТ
БИЛАН ҲИЗМАТ
ҚИЛИШ МАКТАБИНИ
ЎТАГАН НАВҚИРОН
ЎҒЛОНЛАРИМИЗ
ИШОНЧЛИ ТАЯНЧ ВА
СУЯНЧ БЎЛИБ ҲИЗМАТ
ҚИЛАДИ”.

Ш.М. МИРЗИЁЕВ

Битирув (диплом) ишининг долзарблиги

Оила жамиятнинг асосий институти ҳисобланади. Шу боис у доимо давлат ҳамда жамият муҳофазасида бўлган ва шундай бўлиб қолади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрдаги Халқаро оила йили тўғрисидаги резолюцияси (A/RES/47/237) га мувофиқ 15 май куни, жаҳон миқёсида Халқаро оилалар куни (International Day of Families) сифатида нишонланади.

Dunyo miqyosida globallashuv jarayonlari davom etayotgan va xalqaro munosabatlarning butun tizimi o'zgarib borayotgan hozirgi davrda geosiyosiy qarama-qarshilik, mojarolar va tang vaziyatlar nafaqat harbiy xizmatchilar, balki ularning oila a'zolariga ham salbiy ta'sir ko'rsatmoqda.

Мамлакатимизда ҳам оила равнақи ва уни мустаҳкамлаш масалалари олий кадриятлардан бири сифатида улуғланади. «Ўзбекистон Республикасида оилани ривожлантиришга глобал даражада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қаралади»

Битирув (диплом) ишининг долзарблиги

Оила қуриш масаласи ҳар бир инсон ҳаётида улкан воқеа ҳисобланади. Бўлажак офицер сифатида олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ҳаёти ва фаолиятида ҳам оила муҳим ўрин тутди. 4-5 йил давомида казарма шароитида таҳсил олиш, қарама-қарши жинс вакиллари билан бевосита мулоқотнинг камлиги уларда оила ва оила қуриш, жинсий муносабатлар ҳақидаги билим, кўникма ва тушунчаларни етарли даражада эгаллай олмасликларига сабаб бўлади.

Натижада олий ҳарбий таълим муассасасини тамомлаган ёш офицерларнинг турмуш ўртоқ танлашларида ва оилавий муносабатларни амалга оширишда муаммолар пайдо бўлади. Айрим ҳолларда ёш офицерлар ўзларига нисбатан ёши катта, муқаддам турмуш қурган аёллар билан ишқий муносабатлар ўрнатишга, носоғлом жинсий ҳаёт тарзига йўл қўядилар. Бундай носоғлом муҳит уларнинг хизмат фаолиятларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларини оила ҳаётига тайёрлаш масаласи қатор олимларнинг тадқиқот объекти сифатида ўрганиб келинмоқда.

Хорижлик олимлардан М.Б.Упина олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларини оила қуришга тайёрлашнинг педагогик йўллари, Н.И. Минко курсантларнинг оила қуриш борасидаги муносабатларини тарбиялашни, Е.Н.Иванова ҳарбий хизматчиларни оила қуришга тайёрлашнинг психологик омилларини, Е.А.Туринцева ёпиқ шароитда ҳарбий хизматчилар оилалари шаклланишининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилишган. Уларнинг тадқиқотларида Ф.Бэкон, Т.Гоббс, Д.Юма Ж.Ж. Руссо, И.Кант ва И.Г.Фихтеларнинг ғоялари назарий-методолик асос бўлиб хизмат қилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Е.А.Туринцева томонидан олиб борилган изланишларга кўра, Россия Федерацияси олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни оила қуришга тайёрлаш ишлари йўл қўйилмаган. Бундан фарқли равишда Америка Қўшма Штатларида курсантларни оила қуришга тайёрлаш тизими мавжуд. АҚШда ушбу ишлар руҳонийлар томонидан амалга оширилади. Ҳарбий хизматчилар турмуш қуришдан олдин бўлажак рафиқалари билан махсус курслардан ўтишади. Курслар якунида улар билан оила қуришга тайёрлик даражасини Бундан усул АҚШ ҳарбий хизматчилари ўртасида ажримларнинг камайишига хизмат қилган.

Мамлакатимиз олим ва тадқиқотчиларидан Ф.А.Акрамова ва З.Б.Билолова томонидан курсант ҳамда муддатли ҳарбий хизматчиларнинг оила ҳақидаги тасаввурларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилган.

Битирув (диплом) ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги

Битирув (диплом) иши мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети Хизмат
фаолиятини тарбиявий-психологик
таъминлаш кафедрасининг илмий
тадқиқот лойиҳаси доирасига киради.

БИТИРУВ (ДИПЛОМ) ИШИНИНГ МАҚСАДИ

**Олий ҳарбий таълим муассасалари
курсантларини оила қуришга тайёрлашнинг
педагогик-психологик асосларини tadqiq
etishdan iborat**

ДИПЛОМ ИШИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1

Mavzuga oid pedagogik, psixologik o'quv adabiyot materiallarini o'rganib chiqish va umumlashtirish;

2

Олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларини оила қуришга тайёрлашнинг педагогик-психологик асосларини tadqiq etishdan iborat

Олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларини оила қуришга тайёрлаш borasida tavsiyalar ishlab chiqish;

3

pedagog-psixolog olimlarning va tadqiqotchilarning курсантларни oilaviy hayotga tayyorlash haqidagi qarashlarini o'rganish va tahlil qilish.

БИТИРУВ (ДИПЛОМ) ИШИНИНГ ОБЪЕКТИ

Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университетининг тўртинчи
босқич курсантлари

ДИПЛОМ ИШИНИНГ ПРЕДМЕТИ

Олий ҳарбий таълим муассасалари
курсантларини оила қуришга
тайёрлашнинг педагогик-психологик
муаммоларини таҳлил таҳлил қилиш

Диплом ишининг назарий аҳамияти

Тадқиқотимизда ҳозирги кунда олий ҳарбий таълим муассасалари таҳсил олаётган курсантларни оила қуришга тайёрлашнинг педагогик-психологик муаммоларини ўрганган ҳолда, илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Диплом ишининг амалий аҳамияти

Биз томондан олиб борилган тадқиқот иши олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларини келгусида мустаҳкам оила соҳиби бўлиб етишишларига, оилани бошқаришда керакли педагогик-психологик билим ва кўникмаларга эга бўлишларига зарур манбалардан бири бўлиб хизмат қилади

Битирув (диплом) ишининг тузилиши ва хажми

Кириш

Иккита
боб

Олтита
параграф

хулоса
Иловалар
Фойдаланилган
адабиётлар

ТАКЛИФЛАР

1

Олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқув дастурларига «Оила педагогикаси», «Оила психологияси» фанларини киритиш ва ушбу фанларни курсантларга ўқитишни ташкил этиш. Ушбу фанлар мавзуларини ишлаб чиқишда ҳарбий хизматчилар оилавий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратиш;

2

Олий ҳарбий таълим муассасаларида курсант ва бошқа тоифадаги ёш ҳарбий хизматчилар учун «Ёш ҳарбий хизматчиларни оила қуришга тайёрлаш хоналари»ни ташкил этиш, ушбу хоналарни зарурий услубий ва илмий адабиётлар билан бойитиш;

3

Олий ҳарбий таълим муассасаларининг битирувчи босқич курсантлари учун «Оилавий муносабатлар психологияси» махсус курсини ташкил этиш ва курс якунида уларнинг оила қуришга тайёрлик даражаларини аниқлаш мақсадида тест синовлари ўтказиш

ТАКЛИФЛАР

4

Курсантларга мустақил таълим жараёнида оила ва оилавий муносабатлар тарбиясига оид адабиётларни мутолаа қилишлари юзасидан тавсиялар бериб бориш;

5

Тегишли ҳарбий қисм, муассаса ва бошқармалар билан ҳамкорликда битирувчи ёш офицерларнинг оилалари ҳақидаги маълумотлар мониторингини амалга ошириб бориш;

6

Оила қуришга тайёрлашда диний маърифатнинг ўрнини инobatга олган ҳолда, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ўртасида диний уламолар иштирокида учрашувлар ташкил этиш.

ХУЛОСАЛАР

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни оила қуришга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади экан, уларнинг таълим муассасасини тамомлаб катта ҳаёт оstonасида ўзларининг мустақам ўринларини топишларига ва бахтли ҳамда мустақам оиланинг соҳибига айланишлари кафолатланади.